

Мавзунинг долзарблиги:

Листерия-ҳайвон ва паррандаларнинг спорадик ёки энзооти шаклларда кечувчи юқумли касаллиги булиб (қўзғатувчиси *Listeria monocytogenes*), одамлар ҳам касалланганлиги учун зооантропозооноз касалликлар гуруҳига киритилган. Касаллик марказий асаб тизими системаси зарарланиши, сепсис, аборт ва мастит билан тавсифланади. Ҳайвонлар листериози дунёнинг 47 мамлакатда аниқланган. Собиқ СССР да 1956-1964 йилларда касалланиш ҳар 10000 бош ҳайвонга 0,9% ни ташкил этган. Касаллик содир бўлганда ўлим даражаси 47% ни, асаб тизими жароҳатланган шаклида эса 98-100% ни ташкил этади. Листериядан иқтисодий зарар ҳайвонларнинг ўлими, маҳсулдорлигининг пасайиши, аборт, карантин ва қарши кураш тадбирлари каби харажатлардан иборат. Бундан ташқари, одамлар ҳам касалланганлиги учун муаммо ижтимоий аҳамиятга эга. Листериялар ташқи муҳитда узоқ муддат сақланади, ўлган тўқималарда паст ҳароратда яшаш ва кўпайиш хусусиятига эга. Касаллик манбаи - касал ҳайвонлар бўлиб, улар ташқи муҳитга листерияларни ажратади (бурун, жинсий органлардан ажратиладиган суюқлик, аборт бўлган ҳомила, сут, сийдик ва ахлат орқали). Табиатда листерияларнинг асосий манбаи кемирувчилар бўлиб, улар ифлосланган сув, озуқа орқали қишлоқ хўжалик ҳайвонлари зарарланади. 42 турдаги сут эмизувчилар (сичқон, каламуш, қуён, қўй, чўчқа ва ҳ.к.) ва 22 турдаги паррандалар касалланади. Ҳайвонлар алиментар, контакт, аэроген, трансмиссив ва трансплацентар йўллари билан зарарланади. Одамлар асосан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари маҳсулотларини истеъмол қилишганда зарарланади. Ёввойи ҳайвонлар орасида листериоз қўзғатувчисининг тарқалишида иксод каналари катта рол ўйнайди (Триполитова А.А., Борисова Г.В. 1965, Бакулов И.А. 1994, Farber J.M., Peterkin P.I. 1991, Mead P.S., Slutsfeer L., Dietz V. 1999).

Клиник соғлом ҳайвонларда листерия ташувчанлик аниқланган. Бу ҳайвонларни озиқлантириш, сақлаш шароитлари ёмонлашганда, бўғозликда, юқумли ва юқумсиз касалликларда организм резистентлиги пасайиши туфайли листериознинг юзага келишига сабабчи бўлади. Листерия бошқа хил юқумли касалликлар билан бирга кечиши мумкин (паратиф, пастереллез ва ҳ.к.). Касаллик йилнинг ҳамма фаслларида, асосан, қиш-баҳор ойларида учрайди ҳамда стационарлик хоссасига эга .

Тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари

Қўйлар листериоз касаллигининг эпизоотологиясини ўрганиш мақсадида Навоий вилоят қизилтепа туман Малик чўл ширкат хўжалигининг 3 отар қўйлари эпизоотологик текширилди. Текширишлар натижасида касаллик икки йилдан буён мазкур хўжаликларда учраб, ҳайвонларнинг орасида маҳсулотининг ҳамда мол сонининг камайиши бўлиб хўжалик жуда катта зарар кўрган.

Тадқиқотлар материаллари ва услублари.

Листерия касаллигининг тарқалишини ўрганиш тадқиқотлари А.А. Конопаткин (1984) бўйича олиб борилди. Ҳайвонлардан олинган патологик намуналарни бактериологик текшириш умум тан олинган услубларда олиб борилди ва идентификация қилинди.

Тадқиқотлар натижалари

Отарлардан лабораторияга микробиологик текширишлар учун ҳар отардан 10 бош қўйдан қон намунаси, касал қўйларнинг бош мияси ва илик суягидан намуналар олиб келинди.

Олиб келинган қондан ва патологик материаллардан глицерин ва глюкоза қўшилган МППБ ва МППА суний озика муҳитларга экмалар қилинди. Экмалар 37°C ўстириш учун термостатга қўйилди.

Орадан 3 кун ўтгач МППА да ўсган микроб колониялардан суртмалар тайёрланиб Грамм усулида бўялди. Текширишлар натижасида бош мия ва суяк миясидан қилинган

суртмалардан листериоз касаллиги қўзғатувчисига ўхшаш тайёқчалар аниқланди. Шундан сўнг эмалар, фақат листериялар ўсадиган махсус озуқа муҳитига экилди. Орадан 3 кун ўтгач эмалар текширилганда уларда микроб ўсиши кузатилди.

Ажратиб олинган микроб културасининг зарарлантириш хусусиятларини ўрганиш мақсадида 4 бош оқ сичқон зарарлантирилди, 2 бош оқ сичқон назоратда бўлди. Икки бош оқ сичқон таркибида 1 мл да 1 млрд. м. т. сақлаган листериянинг 1 кунлик буён културасини кўзига томизиш йўли билан зарарлантирилди, яна 2 бош оқ сичқон шу културани қорин бўшлиғига 0,3 мл дан юбориш йўли билан зарарлантирилди.

Зарарлантирилгандан сўнг 10 кун кузатиш давомида зарарлантирилган сичқонларнинг ҳаммаси 5 кунда ўлди, назоратдаги 2 бош сичқон тирик қолди.

Ўлган сичқонларнинг паринхиматоз аъзолари, бош мияси ва суяк миясидан олинган наъмуналари микробиологик усулларда текширилганда зарарлантириш учун юборилган листерия касаллиги қўзғатувчиси ажратиб олинди.

Хулоса.

Ўзбекистон Республикасида листериоз касаллиги учраб туриши ва касаллик қўзғатувчиси зарарлантириш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бакулов И.А., Котляров В.М., Шестиперова Т.Н. Эпидемиологические и эпизоотологические аспекты листериоза. Журн микробиол 1994; 5; 100-5.
2. Триполитова А. А., Борисова Г. В., Листериоз, Томск, 1965 (библ.).
3. Farber J.M., Peterkin P I. *Listeria monocytogenes*, a food-born pathogen. Microbiol Rev 1991; 55: 476-511.
4. Mead P.S., Slutsker L, Dietz V., et al. Food-related illness and death in the United States. Emerging Infect Dis 1999; 5:607-26.

DISEASES LESTERIOSIS OF THE SHEEP'S IN UZBEKISTAN

Kurbanov R., Yparov E., Elmurodov B., Abdalimov S.

Uzbek Scientific Research Institut of Veterinary, Samarkand, Uzbekistan.

Organized study has shown that in Republics Uzbekistan Lesteriosis agricultural animal meets and incident disease has a pathogenic characteristic.

УДК 547.416 + 66.095.25

НОВЫЙ СИНТЕЗ ДИФЕНИЛМЕТИН-о-АНИЗИДИНА- ПОТЕНЦИАЛЬНОГО ПРЕПАРАТА ДЛЯ ВЕТРИНАРИИ

Курбатов Ю.В., Тураева Д.А, Акрамова И.А.

Самаркандский государственный университет им. Алишера Навои, Самарканд, Узбекистан

Введение.

Введение заместителей в ароматическое ядро молекулы анилина изменяет его основность. Эти заместители могут вызывать +J или —J (индуктивные) эффекты и, вследствие этого, повышают или понижают резонансную стабилизацию свободной пары электронов атома азота. Следовательно ароматические амины могут значительно отличаться друг от друга по основности. - В молекуле о-анизида алкоксильная группа вызывает сильный +J эффект и увеличение основности.

Цель и задачи.

В настоящей работе продолжено исследование найденной новой реакции конденсации ароматических кетонов с ароматическими аминами и изучена реакция